Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 NOYABR ◆ SHANBA ◆ № 133 (26.835)

## КЎҲНА ЎЛКАДА КУРАШ НАФАСИ

### Эртага Буюк Британияда анъанавий «Ислом Каримов» турнири бошланади

Тарихи неча минг йилларга бориб тақалувчи халқимизнинг арзигулик қадриятлари бисёр. Хусусан, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ота-боболаримиз минг йиллар мобайнида ардоқлаб келган ўзбек кураши дунё халқлари мулкига айланмоқда, десак муболаға бўлмас. Халқаро кураш ассоциацияси фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ, лекин шу қисқа фурсатда Ўзбекистонни дунёга танитишда салмоқли ишларни амалга оширди. Жумладан, 37 давлатда кураш федерациялари тузилган, 10 дан зиёд давлатда федерациялар ташкил этиш учун ҳаракат қилинмоқда.




Ўтган йили кураш тарихида унутилмас воқеа рўй берди. Буюк Британия кураш ассоциацияси Халқаро кураш ассоциациясининг Фахрий президенти, муҳтарам Юртбошимиз шарафига «Ислом Каримов» турнирини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббус маъқулланиб, илк бор Англиядек кўҳна ва қадимий юртда халқаро турнир ўтказилган эди. Бу тарихий воқеага гувоҳ бўлган Бедфорд шаҳри аҳолиси 3 кун кураш нафаси билан яшади.

— Биз турнирнинг бунчалик юқори савияда ўтказилишини кутмагандик. Сабаби, Британия кураш ассоциацияси тузилганига ҳали бир йил бўлмаёқ кураш шунчалик тез оммалашган эдики, буни кўриб, тўғриси ҳайратландик. Кураш тушаётган полвонлар ўзаро ўзбекча ибораларни қўллаб, удумларимизга хос ҳаракатлар билан беллашаётганини кўриб миллатимиз дунё халқларига янги спорт турини инъом қилганига, кураш — XXI аср спорти, дея бежиз айтилмаётганлигига гувоҳ бўлгандик, — дейди ХКА президенти Комил Юсупов.



Кураш — ҳалол беллашув. Ақлий, жисмоний, маънавий жиҳатдан кучли полвонгина курашда енгади. У нафақат одамни жисмонан тоблайди, балки ирода ва ақлни ҳам чиниқтиради. Шу боис курашимиз бугун дунё халқлари томонидан қизғин кутиб олинмоқда. Ҳозир ўн иккита сўз дунё халқлари тилларида ўзбекона жаранглмоқда. Давлатимиз байроғи рангига монанд кийимда бел олишаётган турли миллат полвонлари аслида энди ўзбек курашчиларидир.

Эртага Лондон яқинидаги Дартфорд шаҳрида иккинчи бор ўтказилажак анъанавий «Ислом Каримов» турнири курашимизни халқаро миқёсда тарғиб қилиши шубҳасиз. Буюк Британия кураш ассоциацияси ва Дартфорд шаҳар мэри ташкилотчилиги ва ҳомийлиги остида ўтказилаётган халқаро мусобақада ўндан зиёд хорижий давлатлардан вакиллар қатнашиш истагини билдирган. Шунингдек, унда халқаро ташкилот, қолаверса, кузатувчи сифатида Халқаро кураш ассоциацияси аъзолари ҳам иштирок этади.

Кураш буюк аждодларимиз қолдирган азалий мерос. Бу меросни улуғлаган, унинг ривожига ҳиссасини қўшганлар эса ҳеч қачон кам бўлмайди.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



*Куз файзи*

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

## МУҲОКАМА МАВЗУСИ — ТЕРРОРИЗМ БИЛАН КУРАШ

Бош Ассамблея 56-сессиясининг умумий муҳокамаларида иштирок этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар делегациялари Нью-Йоркка кела бошладилар.

Мазкур нуфузли халқаро ташкилот ўз фаолиятининг тарихи давомида биринчи маротаба умумий муҳокамаларни икки ой кечиктириб ўтказмоқда. Бунинг сабаби ҳам АҚШда рўй берган сентябрь воқеаларидир.

Халқаро хавфсизлик ҳамда қуролсизланиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсонпарварлик ёрдамлари, барқарор ривожланиш муаммолари сингари жами 176 банддан иборат масалаларни сессия кун тартибига қўйиш режалаштирилмоқда.

Бўлажак муҳокамалар терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ўзаро бирдамлиги остида ўтиши сессия бошланмасидан олдинроқ кундай равшан бўлиб турибди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, айрим мамлакатлар ушбу муҳокамаларда давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасида, кўпчилиги эса ташқи ишлар вазирлари даражасида иштирок этади.

Бош Ассамблея сессияси умумий муҳокамалари доирасида икки томонлама ҳамда кўп томонлама тартибда делегациялар раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш қабул қилинган.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ҳозирнинг ўзидаёқ Афғонистон бўйича «6+2» мулоқот гуруҳининг режалаштирилган йиғилишига жуда катта қизиқиш билдирмоқда. Унда минтақада рўй берган сўнгги воқеалар асосида мазкур мамлакатдаги вазиятни тинч ҳал этиш масалаларини кўриб чиқиш мўлжалланган.

■ **Б. МАМАЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА**
**Нью-Йорк.**

ХРОНИКА

## МОЗОРИ ШАРИФГА ЮРИШ БОШЛАНДИ

Куни кеча Шимолий алянс қўшинлари Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрига ялпи ҳужум бошлади. Хабарларга қараганда, ҳужум генерал Абдурашид Дўстум, Устод Ота ҳамда бошқа ҳарбий қўмондонларнинг маслаҳатидан кейин икки йўналишда бошланган. Ал-Кувайтдан тарқатилган хабарга кўра, айни пайтда «шимолликлар» АҚШ махсус бўлинмалари билан танклар ёрдамида шаҳарга ҳужумни кучайтирмоқда. Шимолий алянс раҳбарияти шаҳар яқин кунларда қўлга киритилишини ишонч билан таъкидламоқда. Бир кун аввал алянс вакиллари толибларга шаҳарни ўз ихтиёри билан, жангсиз ташлаб чиқишни таклиф қилганди. Бундан мақсад шаҳарда истиқомат қилаётган 200 мингдан ортиқ аҳолининг ҳаётини хавф остига қўймаслик эди. «Шимолликлар» вакили Қори Қудратулло АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг зарбаси натижасида толибларнинг руҳи тушиб кетганини айтди. Шундай эса-да, улар шаҳарни шундоқ ташлаб кетишни ўзига эп кўрмаяпти. Покистондаги «Ислом жиҳоди» қуролли гуруҳи Дор ас-Суюф туманидаги фронт чизиғида толибларга қўшилган 85 нафар кўнгиллининг бомба ҳужуми натижасида ҳалок бўлганини тан олди. Бироқ, минглаб покистонлик ва арабистонлик жангарилар Мозори Шариф шаҳрини ҳимоя қилишда давом этмоқда. АҚШ толибларнинг стратегик жиҳатдан муҳим истеҳкомларига ҳаво ҳужумини тўхтатгани йўқ. Пентагондан билдирилишича, толиблар ва «Ал-Қаида» жангарилари катта талофот кўряпти. Гарчи бомбалардан қанча одам ўлгани ҳақида аниқ маълумот бўлмаса-да, Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельднинг Пи-би-эс телекомпаниясига берган интервьюсида толиблардан кунига йигирмага яқин одам қурбон бўлаётгани айтилган. Исбот тариқасида Д.Рамсфельд журналистларга бомбалар нафақат иморат ёки транспорт воситаси, балки айнан «Толибон» аскарларига теккани тўғрисидаги видеолавҳани намойиш қилди. Д.Рамсфельднинг таъкидлашича, толиблар ўз аскарларини мактаб, масжид, шифохона ва турар-жой биноларига яшириб, халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид иш тутмоқда. Бундан мақсад бомбардимон нати-



жасида қурбон бўлган тинч аҳоли вакилларини халқаро ҳамжамиятга кўрсатиб, террорчиликка қарши курашаётган халқаро коалициянинг обрўсини туширишдир. Афғонистонда ин қуриб олган террорчиларни йўқ қилиш борасида ҳарбий тадбирлар давом этар экан, қочқинлар масаласи ҳам мураккаблашмоқда. АҚШ давлат котибининг қочқинлар ва аҳолишунослик муаммолари бўйича ёрдамчиси Алан Кречко журналистларга афғон қочқинларининг асосий қисми Покистон ва Эрон чегараларидан ўтаётганини маълум қилди. БМТ маълумотларига қараганда, ўтган йили Тожикистондан 15 минг, Туркманистондан эса 1,4 минг афғон қочқини паноҳ топган. Уларга БМТнинг Озиқ-овқат дастури ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ёрдам бермоқда. Шунингдек, Афғонистоннинг ўзидаги тинч аҳоли вакилларига ҳам инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тадбирлари давом этмоқда. Қатор мамлакатлар шу мақсадда 800 миллион АҚШ доллари ажратишга ваъда берган эди. Ушбу маблағнинг 320 миллион долларини Оқ уй ўз зиммасига олган. А.Кречконинг маълум қилишича, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами унга чегарадош бўлган мамлакатлар ҳудуди орқали автомобиль карвонлари билан етказилмоқда. Агар толиблар монеълик қилмаса, ноябрь ойидан озиқ-овқат, иссиқ кийим-кечак ва бошқа зарур жиҳозлар Амударё орқали Афғонистонга етказилиши мумкин.

■ **(ЎзА)**



## ИПАК ҚУРТИНИНГ ИККИНЧИ ФАСЛИ

*Икки йилдан бери Қашқадарёда тажриба тариқасида ипак қуртидан иккинчи марта ҳосил олиш йўлга қўйилди. Китоб туманидаги Жовли Турдиев ширкат хўжалигида бу борада анча-мунча тажриба тўпланган.*

*— Ёз фаслида ипак қуртини парвариш қилиш ўта мураккаб, нозик иш ҳисобланади, — дейди ширкат хўжалигининг раиси Низомиддин Ҳалимов **«Туркистон-пресс» мухбирига.** — Чунки ипак қурти плёнка остида парвариш қилинади. Бу йил ёз фаслининг иссиқ келиши бироз қийинчилик туғдирди. Ўтган йилги тўплаган тажрибамиз қўл келди. Тут баргларини ипак қуртига беришда ҳам жуда эҳтиёткорлик лозим. Чунки тут новдалари баҳор фаслидагидек юмшоқ бўлмайди. Ипак қурти парвариши учун ёш новдалар зарур. Баргнинг энг паст қисми танланади. Шундай қилинмаса, тут новдаларининг ўсишига салбий таъсир қилади. Келгуси йил ҳосилини ҳам пухта ўйламаса бўлмайди. Қийинчиликларга қарамасдан Кўчқоржон Аллаев хонадонида парваришланган ипак қуртидан кўнгилдагидек ҳосил олишга эришдик.*

*Иккинчи фасл ипак қуртини парвариш қилиш учун алоҳида тут дарахтининг ёш новдалари зарурлигини ҳисобга олган хўжалик аъзолари беш гектар майдонга тут кўчатлари экиб, парвариш қилишга келишиб олишди.*

*Шунингдек, вилоятнинг Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида ҳам ипак қуртидан иккинчи марта ҳосил олинди ва кўзда тутилган режалар ортиғи билан адо этилди. Келгуси йилда Жовли Турдиев ширкат хўжалигидаги бешта хонадонда ипак қуртидан иккинчи марта ҳосил олиш режалаштирилмоқда.*

МУНОСАБАТ

## ИНСОНИЯТ ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ

**Мен иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг совриндори сифатида Америка Қўшма Штатларида таҳсил олганман. Ўша халқнинг тузини ичиб қайтганман. Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарлари бошига ёғилган бало бутун жаҳон жамоатчилиги қалбини ларзага келтирди. Табиий офатларга чидаш ва бардош беришдан ўзга чора йўқ. Бироқ жоҳил кимсаларнинг сунъий равишда юзага келтирган хунрезликларининг касофати дунё миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий режаларни барбод қилса, юз минглаб бегуноҳ инсонларнинг ёстиғини қуритса, миллионлаб аҳолининг ҳаловатини бузса, давлатлараро сиёсий мувозанатга соя солса бунга чидаш ниҳоятда оғир.**

**Бу ҳалокат Америка учун нафақат моддий, балки жуда катта маънавий зарар келтиргани табиий. Бу ёвузликлар албатта уюштирилган. Демак, сиёсий жиноятчиларни зудлик билан топиш ва одил суд олдида жазоланиши жуда кўп нарсаларни ҳал қилади.**

**Тарихдан маълумки, айрим мусибатлар халқларни бирлаштириш учун ҳам яхшигина хизмат қилади. Бугун бутун дунё оёққа турди. Демак, бу ёвузлик бошқа қайтарилиши мумкин эмас.**

■ **Иброҳимжон НАМИРОВ,**
**Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги юридик ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси**

**Гўзаллик оламни қутқаради, дейишади. Ёвузлик эса аксинча, дунёни вайрон этиб ҳалокатга элтади. Биз бунга 11 сентябрь куни Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларидаги биноларнинг террорчи ёвузлар томонидан вайрон этилганида яна бир бор гувоҳ бўлдик.**

**Ёвузликка одам зоти чидолмайди. Айниқса, ёвузлик инсон қўлию зеҳни маҳсули бўлган иморатларга, кашфиётларга, гўзалликларга чанг солса бунга тоқат қилиб бўлмас экан. Ахир, ёвузлик қўлида қурбон қилиниши учун инсоният бу нарсаларни яратмади-ку!**

**Ўзбекистон аҳли террор нима, терроранинг мақсади не, яхши билади. Унга қарши курашишни ҳам биламиз. Энг яхши кураш, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, огоҳлик, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак эканлигини ҳам тушунамиз, англаймиз. Ва дунё аҳли «террорни йўқ қиламиз, дунёни террор деган ёвуз кучдан тозалаймиз», деб жидду-жаҳд қилган бугунги кунларда эса биз ҳам уларга қўлимизни бериб қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Дунёни, дунё гўзаллигини, инсоният эришган барча яхши нарсаларни асраб қолиш учун ҳамма одамларнинг қалби ёвузликка қарши оёққа туриши керак, деб ўйлайман.**

■ **Тоҳир РАЖАБОВ,**
**Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.**

ОҒРИҚ

## «ЙЎЛ ЧИПТАНГИЗНИНГ МУҲРИ БОРМИ?»




Автобус ичидаги ҳаёт ғалати. Кимда қандай ташвиш, кимда қандай қувонч бор? Буниси — номаълум. Биров деразадан ташқарини завқ билан томоша қилади. Биров китоб ўқийди. Кимдир мудрайди, кимдир хаёл денгизида сузади. Ҳатто таниш ҳамроҳлар ҳам бир-бирлари билан секин суҳбатлашиб борадилар. Хуллас, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб манзилига етади.

Бироқ кейинги пайтларда автобусларда можаролар юз бераётганидан кўз юмиб бўлмайди. Йўл назоратчисининг асабий овози хаёлингизни бузади:

— Нега ўқувчининг йўл чиптасини кўрсатяпсан? Бунақаси ўтмайди. Қани, дарров йўл ҳақини тўла-чи!..

— Опа, мен ростанам мактабда ўқийман. Ана, ўртоқларимдан сўранг. Ишонмасангиз, китоб-дафтарларимни ҳам кўрсатишим мумкин!

— Бўлди-бўлди, кўп валдирама. Ундан кўра менга ўқувчилик гувоҳномангни кўрсат. Демак, «Ўқувчи» деган йўл чиптасини олволсам, менам ўқувчи бўп қоларканман-да? Қани, дарров пул тўла, бўлмаса, ҳозироқ автобусдан туширвораман.

— Бизга ўқувчилик гувоҳномасини бермайди.

— Бўлмаса, нимага йўл чиптангнинг орқасига муҳр бостириб олмадинг? Қани, бўл тезроқ пул тўла!..

Йўловчилар ҳайрон. 13-14 ёшли болакай билан 50 ёшлар чамасидаги барваста, малласоч аёл ўртасидаги жанжалга аралашишга ҳеч кимнинг хоҳиши йўқ. Автобусдаги бошқа ўқувчилар йўл чипталарини кўрсатишларини ҳам, кўрсатмасликларини ҳам билолмай саросимада.

— Ҳозир ёнимда пулим йўқ эди. Бир сафар кечира қолинг. Янаги гал... Автобус бекатда тўхтади. Назоратчи жон ҳолатда ҳалиги болани эшикка судрайди.

Охири виждоним қийналиб орага тушишга мажбур бўлдим:

— Бу боланинг ўқувчилиги шундоққина кўриниб турибди-ку! Жуда ишонмасангиз, папкасини очиб нарсаларини текшириб кўринг унда!..

— Менга адвокат керакмас. Бошқаларнинг ишига тумшуғингизни тиқмай, жим ўтиринг. Қани, туш деяпман сенга!..

Орқароқда ўтирган бир аёл шоша-пиша ўрнидан туриб қичқира кетди.

— Қанақа ноинсоф аёлсиз! Ҳозир шу ёмғирда туширворсангиз қаёққа боради, бу шўрлик! Сизнинг ҳам болангиз бордир ахир!..

Автобус ичи қий-чувга тўлиб кетди. Барибир назоратчи бўш келмай болани пастга торт-қилайди.

Шу пайт ўрта ёшлардаги зиёлироқ бир киши уларга яқинлашиб, аёлга босиқлик билан мурожаат қилди:

— Илтимос, қўйворинг йигитчани. Бу бола ростданам тўққизинчи синфда ўқийди. Ўзим унинг ўқитувчисиман.

— Э, боринг-боринг! Сиздақа ўқитувчиларнинг кўпини кўрганман. Ўқитувчиси бўлсангиз йўл чиптасига муҳр бостириб олишни ўргатиб қўйсангиз бўлмасмиди...

Тасодифни қарангки, ҳалиги одам болакай ўқийдиган мактабнинг директори экан.

— Сизга муҳр керак бўлса — мана муҳр! Ўғлим, бу ёққа бер йўл чиптангни!

Директор боланинг йўл чиптасига шартта муҳр босиб берди. Бошқа ўқувчи қиз-йигитлар ҳам бирин-кетин йўл чипталарини узатиб муҳр бостириб олдилар.

Йўловчилар енгил нафас олишди. Йўл назоратчисининг башараси баттарроқ хурпайиб, аламини чиқариш учун бошқа бир «ўлжа» қидира кетди.

Эрталабдан бошланган бундай дилозорликнинг кун бўйи кайфиятга таъсир қилиши табиий, албатта! Бир қарашда назоротчи ҳаққа ўхшайди. Чунки ҳамма нарса исботи билан ҳақ-да! Бироқ мактаб ўқувчисини фарқлаб олиш унчалик қийин эмас-ку! Бунинг учун расман тасдиқловчи ҳужжатгина эмас, унинг қўлидаги кундалик ва дарсликлари ҳам исбот бўла оладику! Қолаверса, ўзини билган ота-она фарзандига ҳеч қачон керагидан ортиқча пул бермайди. Автобусдан тушириб юборилган ўқувчининг аҳволи нима кечади? Қолдирган ёки кечиккан дарси учун устозларига нима деб жавоб беради? Агар у орияти қўзиб тушлик пулини йўл назоратчининг қўлига тутқазиб кетса-чи? Одатда болалар эрталаб яхши нонушта қилмайдилар. Демак, у бугун кун бўйи оч қолишга мажбур! Уларнинг йўқотаётган соғлиги, бузилаётган асабларининг ҳаққини ким тўлайди? Ёки қурби етмаган боланинг кимнингдир чўнтагига тушмаслигига кафолат бериш мумкинми?

Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун ҳаракат бошлаганмиз. Фарзандимизнинг бу борада заифлигидан, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслигидан фойдаланиш тўғри эмас, бизнингча. Маълумки, тиббиёт олийгоҳларида диентология деган фан ўқитилиб, унда бўлғуси шифокорга бемор билан қилинадиган муомала маданияти ўргатилади. Агар шу тахлит сабоқ ўз вақтида йўл назоратчиларига ҳам берилганда эди, тонг саҳарлаб ортиқча қий-чув ва тўполонга ўрин қолмаган ва биз, йўловчилар автобусда бемалол хаёл суриб, хотиржам кетган бўлардик.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА**

# МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

«Маданият» маҳалласи Жиззахдаги йирик манзиллардан бири. Унда 1986 та хонадон бўлиб, 6 минг киши истиқомат қилади. Маҳалланг — ота-онанг, дегандек, каттаю кичик, ёшу қари ўз маҳалласини обод қилиш учун ҳамжиҳатлик билан саъй-ҳаракат қилмоқда. Бу ерда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммо эди. Шу йил эрта баҳорда бу муаммо ҳам ечимини топиб, Огаҳий ва Фаробий кўчалари аҳолиси сув билан таъминланди.

Маҳаллани ободонлаштириш, турли мевали ва манзарали кўчат ўтқазиш, гулзорлар барпо этиш эътиборда. Баҳор ойлари 10000 дона манзарали ва мевали дарахт ниҳоллари экилди.

Маҳаллада 23 миллат вакили бир оиладек дўст ва иноқ. Миллий урф-одатларга йўғрилган, халқ сайиллари айёмона тус олади.

Маҳаллада кам таъминланган оилаларни оталиққа олиш анъанага айланган. Бу борада Жиззах ун корхонаси жамоасининг хизматлари алоҳида. Жамоа боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган 31 оилани бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашмоқда. Маҳалладаги барча ташкилий ишларни корхона ўз зиммасига олган. Бунинг боиси, корхона бош муҳандиси Умарқул Омонов шу маҳалладан халқ депутатлари Жиззах шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган. Халқ демократик партиясидан номзоди қўйилган Умарқул депутатликка сайланганидан маҳалла аҳли мамнун.

Бош муҳандиснинг корхонадаги ишлари етарли. Лекин у ҳаммасига улгуради. Дон қабул қилиш, уни қайта ишлаб, истеъмолчига сифатли етказиб беришгача бўлган жараёндаги барча масъулият унинг зиммасида.

— Ўтган йили қишда иситиш қувурлари ёрилиб, анча қийналдик, — дейди 21-мактаб илмий мудири М. Салоҳиддинова. — Шунда Умарқул Омонов таъмирлаш ишларига бевосита раҳбарлик қилди. Ўқувчилар билан учрашув ўтказиб туради. Бундай жонкуяр, фидоий депутат билан фахрланамиз.

— Маҳалланинг тинчлиги, обод ва фаровонлиги учун қўлдан келганча ёрдам беришни фуқаролик бурчим деб биламан, — дейди Умарқул Омонов. — Ахир, Ватан — маҳалладан бошланади. Маҳалла биз учун аҳиллик қўрғони.

■ **Абдусаттор СОДИҚОВ**





***Конимех туманидаги «Конимех» қоракўлчилик ширкат хўжалигида замонавий тикув цехи ўз фаолиятини бошлади. Янги цехда асосан қоракўл терилари қайта ишланиб, улардан турли кийим-кечаклар тикилмоқда.***

*Суратларда:*
***1. Тикувчи Хафиза Байтаева ўз меҳнатидан мамнун. 2. Тикувчилар Руқия Қўжабоева ва Хафиза Байтаева.***

■ **Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар**

**ХДП ХАБАРЛАРИ**

# ШУ КУНЛАРДА

**ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ!**

Ташкил топганлигининг ўн йиллигини нишонлаган Ўзбекистон ХДП кўпсонли тузилмалари тўлақонли фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва бутун дунё аҳлини ташвишлантираётган халқаро терроризмни жиловлаш муаммолари уларнинг диққат марказида турмоқда. Табиийки, партия ташкилотлари ўз имконият ва ваколатлари доирасида ҳаракат қилиб, масаланинг туб моҳиятини ХДП аъзоларига ҳар томонлама тушунтиришга интилмоқдалар. Айниқса, Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитасининг шу йил 4 октябрдаги қарорига мувофиқ «Терроризм — тараққиёт душмани!» мавзуидаги ягона кун тартиби билан очиқ партия мажлисларини ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Агар Ўзбекистон ХДП қуйи бўғинларининг умумий сони 15 мингтага яқин бўлиб, улар ярим миллиондан зиёд аъзоларни бирлаштираётганликларини, шунингдек, очиқ мажлисларда кўплаб партиясиз хайрихоҳлар, хусусан, ёшлар вакилларининг қатнашаётганини ҳам ҳисобга олсак, мазкур тадбирларнинг нақадар оммавий хусусиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун, кўпгина ХДП шаҳар ва туман кенгашлари ушбу партия йиғилишларини ташкиллаштириш масалаларида бошланғич партия ташкилотларига тегишли маслаҳат ҳамда услубий кўмак беришни йўлга қўйганлар. Натижада, мажлислар ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан, асосан, юқори савияда ўтаётир.

Наманган давлат университети, Чуст туманидаги «Чуст» ижара хўжалиги, «Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси, Шаҳрисабз туманидаги Амир Темур номли ж.х., шу ердаги «Кунчиқар», Наманган шаҳридаги «Гулистон», Насрабоев номли, Риштон туманидаги «Амиробод», Данғара туманидаги «Пишкарон» ва Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, Тошлоқ туманидаги 75-автокорхона, Бектемир туманидаги «Сувмаш» ҳиссадорлик жамияти, Оқолтин туманидаги С. Сиддиқов номидаги, «Фарғона» ширкат хўжаликлари, «Сардоба» пахта тозалаш корхонаси, Тўрақўрғон туманидаги А. Набиев номли ш. х. ва «Ахсикент» қўшма корхонаси, Хатирчи туманидаги Амир Темур номли ж. х., Уйчи туманидаги «Уйчи» ш. х., Қоракўл туманидаги «Қоракўл садоси» газетаси, Чирчиқ шаҳри, Наманган ва Чортоқ туманларидаги шунингдек, бошқа шаҳар ва туманлардаги кўплаб бошланғич ҳамда ҳудудий партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишлар бунга мисол бўла олади.

Партия ташкилотлари республикамиз раҳбариятининг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш масаласида тутган йўлини аҳоли турли табақалари орасида кенг тарғиб қилишга ҳам самарали ҳисса қўшмоқдалар. Шу йўналишда, уларнинг ташаббуси ёки фаол иштирокида, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари ва аҳоли истиқомат жойларида маъруза, суҳбат, «давра суҳбатлари», учрашув ҳамда мулоқотлар уюштирилмоқда. Қуйида ўтказилган шундай тадбирлардан намуналар келтирилади.

Партиямизнинг маҳаллий кенгашлари Бекобод ва Чирчиқ шаҳар ҳамда Зангиота туманида, ҳокимликлар, прокуратура, адлия, ички ишлар бўлимлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишларини ташкиллаштиришга муҳим ҳисса қўшдилар.

* * *

ХДП Зангиота тумани кенгаши, шунингдек, туман ҳокимлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан биргаликда маҳалла, корхона, ташкилотлар ҳамда ўқув юртларида «Огоҳлик — давр талаби», «Терроризм — тараққиёт душмани», «Ўз уйингни ўзинг асра» каби мавзуларда «давра суҳбатлари»нинг ўтказилишида бевосита иштирок этди.

* * *

Косонсой туман партия кенгаши томонидан туманнинг марказий шифохонаси ходимлари ўртасида «Терроризм — бутун инсониятнинг ёвуз душмани» мавзуида суҳбат уюштирилди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Боғдод туман кенгаши меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш — доимий ишимиз» мавзуида қатор учрашув ва суҳбатлар ташкил этди. «Намуна» ширкат хўжалиги ва «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган учрашувларда жаҳонда кечаётган долзарб воқеалар, аксилтеррорчи кучларнинг, хусусан, Афғонистон ҳудудида, халқаро терроризмга қарши олиб бораётган муросасиз кураши тўғрисида гапирилди. Чунончи, «Терроризмга — ўрин йўқ!» мавзуидаги мулоқот Данғара туманидаги «Найманча» ширкат хўжалиги аъзоларига пахта теримида ёрдам бераётган «Найманча» касб-ҳунар лицейи талаба ва ўқитувчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Жойларда маҳаллий партия ташкилотлари томонидан шундай оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказиш давом этмоқда.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Қибрай туман партия кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП 10 йиллиги ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари» ҳамда «Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуларидаги масалалар кўрилди. Ушбу масалалар ҳақида туман партия кенгашининг биринчи котиби М.Мирмақсудов маъруза қилди.

Пленумда Қибрай туман ҳокими С.Тошхўжаев ва Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг иккинчи котиби Н.Тоиров сўзга чиқдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАСКАНИ

***Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Қуанишбай ЎТЕНИЯЗОВ билан суҳбат.***

**— Ҳар қандай мамлакат ёки халқ ҳақида гап борганда аввало, унинг илм-фан, маърифат ва маданият ўчоқлари ҳақида сўз юритилади. Қорақалпоқ халқи маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаб келаётган зиё булоқларидан бири — университет ҳақида сўзласангиз?**

— Билим ўчоғи 1976 йили Нукус давлат педагогика институтига университет мақоми берилиши натижасида барпо қилинди. Ушбу ходиса Қорақалпоғистон Республикаси маданий ва иқтисодий тараққиётида муҳим ижобий босқич бўлди. Негаки, педагогика институтида фақат халқ таълими муассасалари учун ходимлар тайёрланган бўлса, эндиликда бунга қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, иқтисодиёт, санъат, озиқ-овқат саноати ва экология каби халқ хўжалиги соҳалари учун юқори малакали ходимлар етиштириш йўлга қўйилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастури ҳамда Президентимиз таъкидлаган йўл-йўриқ ва талаблар асосида иш олиб борилаётган университетимизда ҳозир 33 мутахассислик бўйича бакалаврлик, 19 мутахассислик бўйича магистратура йўналишида замон талабларига мос таълим йўлга қўйилган.

Университетда 429 нафар тажрибали профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатаётган 48 кафедра мавжуд. Улар қошида ташкил этилган 13 йўналиш бўйича аспирантура, 2 йўналиш бўйича докторантурада замонавий фанларнинг энг долзарб муаммоларига оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётир.

**— Баъзи ўқув юртларида дарслик ва қўлланмалар, техник воситалар етишмаслиги, моддий-техник таъминотнинг кўнгилдагидек эмаслиги борасидаги гаплар қулоққа чалинади. Бундай муаммолар ечими ҳақида нима дея оласиз?**

— Шукрона бўлсинки, бизда ҳозирча ҳаммаси кўнгилдагидек. Хусусан, фундаментал кутубхонамизнинг китоб заҳираси 273909 номдаги 441172 дона турли соҳа адабиётларини ўз ичига олади. Мавжуд ўқув биноларидаги 9 та лингофон хонаси ўқув телестудияси, фильмотека, дисплей синфлари, ҳисоблаш маркази талабга жавоб беради.

Кутубхона жамғармасини замонавий ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлашда Германия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда бошқа халқаро жамғармалар ўз ёрдамини аяшмаяпти. Кейинги уч йил ичида бундай саховатли ташкилотлар ҳисобига кутубхонамиз 10 мингдан зиёд инглиз, немис ва бошқа тиллардаги адабиётлар билан бойитилади. Асосий кутубхона сканер ва принтерли компьютер, нусха кўпайтириш техникаси билан жиҳозланган.

Кутубхонада маъруза матнларини тўплаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Ҳозир маърузалар жамғармасига 765 фан бўйича 4000 зиёд маъруза матнлари йиғилган. Бошқа олий ўқув юртларидан келтирилган 300 дан ортиқ маъруза матнлари ушбу рақамни янада тўлдиради.

**— Маълумки, замонавий кадрларни компьютер билимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Университетингизда ўқув жараёнини компьютерлаштириш, умуман талаба-ёшларни бу соҳага қизиқтириш бўйича қандай саъй-ҳаракатлар қилинаётир?**

— Тасаввур қилинг, 1990 йили университетда бирорта ҳам замонавий компьютер техникаси йўқ эди. Ҳозир ўқув юртимизда 624 та компьютер иш ўрни бор, 27 та компьютер синфи ишлаб турибди. «Интер плюс» синфи ўқув масканимизга Халқаро Тинчлик корпуси томонидан тортиқ қилинган. Яқинда ишга туширилган, 21 та компьютерни ўз ичига олган Интернет синфи эса Жанубий Кореянинг Осиё тараққиёт институти томонидан талабаларимизга совға сифатида берилган.

Албатта бундай қулайликлар ўз самарасини бермоқда. Шу кунларда «Умид» жамғармаси танлови ғолибларидан 6 нафари ривожланган мамлакатлар — Америка, Англия ва Жанубий Кореянинг нуфузли университетларида таҳсил олишмоқда. Яна 6 нафар талаба «Акселс» ва «Даад» жамғармалари ҳомийлигида Германияда ўқимоқда. 6 нафар талаба буюк аждодларимиз номидаги давлат стипендиялари соҳибларидир. Университетимизда «Сорос» ва «Устоз» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил қилинган Ресурс Маркази фаолият кўратмоқда. Марказнинг компьютер тизими халқаро интернет тармоғига уланган. Ёшлар тарбиясида Ўзбекистон «Устоз» жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлимининг муносиб ҳиссаси бор.

— Илм-фан тараққиёти ҳамкорликни тақозо қилиши барчага аён. Тадқиқотлар савияси ва самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасидаги изланишлар ҳақида нима дея оласиз?

— Ўринли савол. Илмий-тадқиқот ишларининг такомилида халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, биз АҚШнинг Ғарбий Мичиган университети, Германиянинг Бонн, Киль, Гёте университетлари, Кореянинг Комебер компьютерлар билан ишлаш маркази билан илмий алоқамиз бор. Шунингдек, Москва давлат университети, И. Павлов номидаги физиология институти, В. Глушов номидаги Украина кибернетика институти каби МДҲ мамлакатларидаги ўқув ва фан масканлари билан илмий ахборот алмашиб турамиз. Бундай ҳамкорлик самараси ўлароқ кейинги икки йил ичида Москвада 1 докторлик, 1 номзодлик, Санкт-Петербургда 2 та номзодлик, Киевда 3 та докторлик ва 1 та номзодлик, Алматида битта номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Шундай гап бор: бир йилини ўйлаган одам буғдой, беш йилни ўйлаган мевали дарахт экади. Мангуликни ўйлаган эса, бола тарбиялайди.

■ **Суҳбатдош: Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



***Поп туман ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби томонидан йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин чиқишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

***Бу саъй-ҳаракатлар эвазига туманда жиноятчиликнинг ўсиши камайиб, аҳоли ўртасида ички ишлар ходимларига бўлган ҳурмат ошмоқда.***

**Суратда: (чапдан) сержант Нурматов, катта сержант О. Юсунов, кичик сержант И. Бозоровлар туман ИИБ бошлиғи Баҳодир Адҳамовдан янги топшириқлар олмоқда.**

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

**ҚОРА ҚИЛМИШ**

## «ТИЛЛО ЗАНЖИР» МУБОРАК, ЎҒРИЛАР!

Самарқанд шаҳрида икки номаълум шахс Ўзбекистон кўчасидаги хонадонлардан бирига бостириб киришади. Уй бекаси Г. Туронова кутилмаганда ташриф буюрган «меҳмон»ларнинг важоҳатидан қўрқиб кетади ва улар пичоқ билан қўрқитгани учун уйдаги бор пул — 11 минг 400 сўмни уларга ҳадя қилади.

Уй бекасининг индамайгина пулни чиқариб бергани учунми ёки тилла тақинчоқларни қидириб тополмагани боисми, улар биз эртага келамиз, тилла тақинчоқларингизни ҳам тайёрлаб қўйинг, деб чиқиб кетишади.

Бу кунига босқинчиларни ички ишлар ходимлари кутиб олишиб, буларнинг қўлига тилла занжир эмас, балки темир занжир тақишиб, ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

Маълум бўлишича, босқинчилар Ю.Гагарин кўчасида яшовчи 1983 йил туғилган Ш. Тўхтамуродов ва Самарқанд туманининг Гулобод жамоа хўжалигида яшовчи 1979 йил туғилган Б. Самиевлар экан.

## «ПУЛДАН ЧЎЗИНГ-ЧИ, МОМОЙ!»

Биз бир-иккита бетайин безорининг биров уйига кириб, хонадон эгасини қўрқитиб, пул ёки бошқа бирон-бир қимматбаҳо нарса талаб қилгани ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин аёл зотининг дўқ-пўписа билан бировларни қўрқитиб пул сўраганини кам учратганмиз...

Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов тумани, Чилонзор 25-мавзесининг 1-уйида яшовчи нафақахўр аёл, ёши ҳам саксондан ошган В.Зирьяновани уйига очиқ эшик орқали кириб, уни арқон билан бўғиб, пул талаб қилган, лекин кўтарилган шовқиндан сўнг воқеа жойидан қочиб кетган кишининг изига тушган ички ишлар ходимлари жабрланувчи «у аёл эди» деганида унча ишонқирамадилар.

Ҳа, аёл кишининг ҳам қўлидан одамни бўғиш, ҳозироқ пул топиб бермасанг ўлдираман, дейиш келар экан. Буни яшаш ва ишлаш жойининг тайини йўқ, 30 ёшга кирса-да, ақлини йиғиб олмаган Х.Магриева мисолида кўриш мумкин.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Чорсу» бозори ҳудудида 3 номаълум аёл 60 ёшдан ошган М.Азимовани қўрқитиб 300 АҚШ доллари, 1 дона сариқ металлдан ясалган занжири ва 21 минг сўм пулини тортиб олиб кетадилар. Ёнидаги бор-будидан айрилган опахон бу ҳақда ички ишлар ходимларига мурожаат қилганидан сўнг тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилади ва зўравон аёллар бозорни тарк этмасдан туриб қўлга олинади.

...Фарғона вилоятининг Бағдод туманида яшовчи 1960 йилда туғилган Г.Ҳайдарова, шу вилоятнинг Қўқон шаҳрида яшовчи М.Бобожонова ва яна бир қўқонлик аёл, 1969 йилда туғилган М.Содиқовалар ўғригина аёллар бўлиб чиқди.

Халқимизда 60 дан ошган отадан ош сўрама, деган нақл бор. Шундай экан, 60 дан ошган онасини бозорга жўнатиб қўйган фарзандларнинг айби билан шу кўйга тушган момонинг изтиробини қандай баҳолаймизу, учовлашиб бир ожизанинг пулини тортиб олган ожизаларнинг қилмишини қандай изоҳлаймиз?

## ҚАБРНИ ТОПТАГАН МЕТАЛЛФУРУШ

Кейинги пайтда рангли металл талвасасига тушган баднафс бандаларнинг қилмишлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бироқ...

Яқинда Тошкент шаҳрининг Щайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими ходимлари тунги соат 1:30 ларда «Камолон» қўрғонидаги қабрлардан бирининг устига ўрнатилган 145 минг сўмлик алюмин панжараларни бузиб олаётган шахсни жиноят устида қўлга олдилар.

Оқтепа мавзесидаги 30-уйининг 17-хонадонида яшовчи 1958 йил туғилган С. Кондратьев устидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ, ИИВ Матбуот маркази ходими**

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

| п.в | Жойи |
|---|---|

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | сўм | |

2002 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

